

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 326-ҳадис

326 - عَنْ الْقَاسِمِ بْنِ عَاصِمٍ، عَنْ زُهْدِمِ الْجَزَمِيِّ قَالَ: كُنَّا عِنْدَ أَبِي مُوسَى، فَدَعَا بِمَائِدَتِهِ وَعَلَيْهَا لَحْمٌ دَجَاجٍ، فَدَخَلَ رَجُلٌ مِنْ بَنِي تَيْمِ اللَّهِ، أَحْمَرٌ شَبِيهُ بِالْمَوَالِي، فَقَالَ لَهُ: هَلَمْ، فَتَلَكَّأَ، فَقَالَ: هَلَمْ، فَإِنِّي قَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْكُلُ مِنْهُ، فَقَالَ الرَّجُلُ: إِنِّي رَأَيْتُهُ يَأْكُلُ شَيْئًا، فَقَدَرْتُهُ، فَحَلَفْتُ أَنْ لَا أَطْعَمَهُ، فَقَالَ: هَلَمْ أَحَدَيْتَكَ عَنْ ذَلِكَ، إِنِّي أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي رَهْطٍ مِنَ الْأَشْعَرِيِّينَ نَسْتَحْمِلُهُ، فَقَالَ: «وَاللَّهِ، لَا أَحْمِلُكُمْ وَمَا عِنْدِي مَا أَحْمِلُكُمْ عَلَيْهِ»، فَلَبِثْنَا مَا شَاءَ اللَّهُ، فَأُتِيَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِنَهْبِ إِبِلٍ، فَدَعَا بِنَا، فَأَمَرَ لَنَا بِخُمْسِ دَوْدٍ عُرِّ الدُّرَى، قَالَ: فَلَمَّا انْطَلَقْنَا، قَالَ بَعْضُنَا لِبَعْضٍ: أَعْقَلْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمِينَهُ، لَا يُبَارِكُ لَنَا، فَرَجَعْنَا إِلَيْهِ، فَعُفْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّا أَتَيْنَاكَ نَسْتَحْمِلُكَ، وَإِنَّكَ حَلَفْتَ أَنْ لَا تَحْمِلَنَا، ثُمَّ حَمَلْتَنَا، أَفَنَسِيَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: «إِنِّي وَاللَّهِ، إِنْ شَاءَ اللَّهُ، لَا أَحْلِفُ عَلَى يَمِينٍ، فَأَرَى غَيْرَهَا خَيْرًا مِنْهَا، إِلَّا أَتَيْتُ الَّذِي هُوَ خَيْرٌ وَتَحَلَّلْتُهَا، فَانْطَلِقُوا فَإِنَّمَا حَمَلَكُمُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ».

[خ 3133، م 1649، ت 1826، س 4346، د 3276، جه 2107].

Заҳдамдан ривоят қилинади:

«Абу Мусонинг ҳузурда эдик, дастурхон келтиришни сўради, унда товук гўшти бор эди. Шу пайт Бану Таймуллоҳ қавмидан худди (румлик) кулларга ўхшайдиган малла киши кириб келди. Унга: «Бери кел», деган эди, у тараддуланиб қолди. У яна: «Бери кел, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундан (товук) еганларини кўрганман», деди. Ҳалиги киши: «Мен унинг бир нарса еяётганини кўриб, ундан жирканиб қолганман ва уни емайман, деб қасам ичиб қўйганман», деди. Шунда у киши: «Бери кел, мен сенга бу ҳақда айтиб бераман. Мен бир неча ашъарийлар билан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб, бизга улов беринг деб

сўраганман. У зот: **«Аллоҳга қасамки, сизларга улов бермайман, менда сизларга берадиган улов йўқ»**, дедилар. (Биз у ерда) Аллоҳ хоҳлаганча туриб қолдик. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ўлжа туялар олиб келиб қолишди. У зот бизни чақириб, оқ ўрқачли бешта туя буюрдилар. Йўлга тушгач, бирбиримизга: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қасамларидан ғафлатда қолдирдик-ку! Бу бизга баракали бўлмайди», дедикда, у зотнинг ҳузурларига қайтиб келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, олдингизга улов сўраб келган эдик. Сиз бизга улов бермасликка онт ичган эдингиз. Кейин эса бизга улов бердингиз. Ё унутдингизми, эй Аллоҳнинг Расули?» дедик. У зот шундай дедилар: **«Аллоҳга қасамки, мен бирор қасам ичиб, кейин бошқасини ундан яхшироқ деб билсам, иншааллоҳ, ўша яхшироғини қилмай қўймайман, аммо уни (қасамни каффорат билан) ҳалоллаб оламан. Бораверинглар, чунки уловни сизларга Аллоҳ азза ва жалла берди»**.

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
HUBUVVAT MARVARIIDLARI